

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил июнь ойининг 16 кунда, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди, Зангиота тумани Қахрамон МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи А.Хонкелдиев, судья ёрдамчиси Ш.Таджиевнинг котиблигида, тарафлардан Зангиота туман прокурори ёрдамчиси А.Каипбергеновнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан айб эълон қилинган:

1973 йил 2 октябрда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 5 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, деҳқончилик билан шуғулланади, Зангиота тумани, Боғишамол МФЙ, Навоий кўчаси, 65-уйда яшовчи, иш бўйича шахсий кафилик эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нухасини олган **Расулев Обиджон Шокирович** (Rasulev Obidjon Shokirovich)га

оид 1-1101-2302/229-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларига ҳуқуқий баҳо бериб, жиноят иши ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокарасини ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, суд қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

2023 йил 29 март куни соат 07:00 ларда Зангиота тумани ИИБ ходимлари томонидан “Қора-дори 2023” тадбири ўтказилиб О.Расулевнинг яшаш уйи яъни Зангиота тумани, Назарбек ҳудуди, Боғишамол МФЙ, Навоий кўчаси 65-уй ва ёрдамчи хўжаликларида холислар ва бошқаларнинг иштирокида тинтув ҳаракатлари амалга оширилган вақтда О.Расулевнинг ётоқхонасининг деворига маҳкамланган иситиш печкаси ичидан аниқланган, гугурт қутиси ичига 1000 (минг) сўмлик пул купюрасига ўралган, ўткир ҳидли, яшил рангдаги, қуритилган ҳолдаги, гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда борлиги аниқланиб, холислар иштирокида расмийлаштириб олинган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 03.04.2023 йилдаги

374-сонли хулосасига кўра, О.Расулевнинг хонадонидан аниқланган 1000 (минг) сўмлик пул купюрасига ўралган ўрам ичидаги, ўсимлик моддаси, қуритилган майдаланган ўсимлик тўпгуллари ва баргларида ташкил топган



таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган моддалар **марихуана** эканлиги ва унинг умумий оғирлиги 1,13 (бир бутун юздан ўн уч) грамни ташкил этиши аниқланган.

Шунингдек, О.Расулевнинг яшаш хонадонидан олинган қора рангли полимер пакет ичидаги бир дона елим бакалашкада фаол гиёҳванд модда, тетрагидроканнабинол юқлари мавжудлиги кўрсатиб ўтилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи **Расулев Обиджон Шокирович** унга нисбатан эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2015 йиллардан бошлаб унинг оёқлари оғриганлиги сабабли каннабис ўсимлигини қуритиб, чекиб келиши, 2023 йил 28 март куни Зангиота тумани, Боғишамол МФЙ ҳудудида жойлашган дала майдонига ишлашга борган вақтида қамишлар орасидан гиёҳвандлик воситасига ўхшаш ўсимликни қуритилганини кўриб қолганлиги, уни ҳаммасини полиэтилен пакетга ўраб, чўнтагига солиб уйига қайтганлиги, ўзи билан олиб келган гиёҳвандлик воситасига ўхшаш моддаларни ётоқхонасининг печкаси ичига гиёҳвандлик воситасини 1000 сўмлик пул купюраси ичига солиб, пулни ўраб олганлиги, сўнг ушбу моддаларни гугурт қутиси ичига жойлаб, сўнг печканинг ичига солиб қўйганлиги, ушбу ҳолатни ҳеч ким кўрмаганлиги, ушбу гиёҳвандлик воситасининг ўзининг истеъмоли учун сақлаб қўйганлиги, 2023 йил 29 март куни соат тахминан 07:00 лар атрофида ўз яшаш манзилида шахсий ишлари билан шуғулланиб юрган вақтида, уйига ИИБ ходимлари икки нафар холис иштирокида келганлиги, унга туман прокурори рухсат берган тинтув қарори билан таништирганлиги, сўнг уй хоналарини, ёрдамчи хўжаликларни кўздан кечириш давомида ётоқхонасининг девор печкаси ичидан гугурт қутисини ичидаги 1000 сўмлик пул купюрасига ўралган гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланиб, тегишли тартибда расмийлаштириб олишганлиги ҳақида кўрсатув бериб, қилган ишидан пушаймондалигини, оилавий шароитини инобатга олиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Иш бўйича гувоҳ сифатида сўроқ қилинган **Рўзиматов Холмухамд Икромович** ҳақиқатдан ҳам у 2023 йил 29 март куни Зангиота тумани ҳудудида ўз ишлари билан юрган вақтида олдиға бир неча фуқаролик кийимидаги шахслар келиб, унга ўзларини орган ходимлари деб таништирганлиги ва бир иш юзасидан холис сифатида иштирок этишини сўраганлиги, у рози бўлганлиги, сўнг



ходимлар яна бир кишини ишга холис сифатида жалб қилишганлиги, тезкор ходимлар уларни Зангиота тумани, Боғишамол МФЙ, Навоий кўчаси 65-уйни олдига олиб бориб, уларнинг иштирокида 65-уйни кўздан кечириш натижасида ётоқхонанинг ичида гиёҳванд моддага ўхшаш моддаларининг юқлари бор бўлган бакалашка ва ушбу хонада жойлашган деворга маҳкамланган иситиш печи ичида гугурт қутиси ичидан 1000 сўмлик пул купюрасига ўралган гиёҳванд моддасига ўхшаш моддалар борлиги аниқланганлиги, шундан сўнг ушбу аниқланган бакалашга ва гиёҳванд моддасига ўхшаш воситалар тегишли тартибда расмийлаштирилиб олинганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Суд, давлат айбловчисининг фикрини, судланувчининг берган кўрсатувларини тинглаб, иш хужжатларида тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, судланувчи Расулев Обиджон Шокировичнинг айби, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, ашёвий далилни олиш баённомаси, судга оид кимёвий экспертизасининг 03.04.2023 йилдаги 374-сонли, судга оид наркология экспертизасининг 13.04.2023 йилдаги 564-сонли хулосаси, шунингдек, жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланди деб ҳисоблайди.

Судланувчи Расулев Обиджон Шокировичнинг гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаганликдаги жинойий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, судланувчи О.Расулевга нисбатан жазо тайинлашда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, яъни унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини ва қилмишидан пушаймонлигини, шунингдек содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ва бошқа ҳолатларини инобатга олиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорига амал қилган ҳолда унга нисбатан қонун санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, судланувчи О.Расулевга жазо ўташ даврида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 6-



қисмида назарда ҳуқуқий оқибатлар юзага келиши, яъни маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлигини тушунтириб ўтишни лозим деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, иш бўйича ашёвий далил сифатида олиниб, 02.05.2023 йилдаги 04541-сонли қвитанция орқали Ўзбекистон Республикаси ДХХ махсус гуруҳи омборига топширилган 0,63 грамм марихуана гиёҳвандлик ўсимлигини йўқ қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосланиб, суд

## **Ҳ У К М                      Қ И Л Д И:**

**Расулев Обиджон Шокирович** (Rasulev Obidjon Shokirovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга ушбу моддага асосан 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Расулев Обиджон Шокировичнинг яшаш уйи, яъни Зангиота тумани, Боғишамол МФЙ, Навоий кўчаси, 65-уй озодликни чеклаш жазосини ўташ жойи этиб белгилансин.

Расулев Обиджон Шокировичга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан соат 22:00 дан 06:00 гача тарк этиш тақиқлансин.

Тайинланган жазо Тошкент вилояти Зангиота тумани ички ишлар органининг жазоларни ижро этиш Пробация гуруҳи томонидан амалга оширилсин.

Озодликни чеклаш муддати маҳкум жазоларни ижро этиш ИИБ Пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Расулев Обиджон Шокирович зиммасига жазони ўташ даврида оммавий тадбирларни ўтказилишида қатнашмаслик, маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, алкогольли ичимликлар истеъмол қилинадиган ва кўнгил очар (кафе, ресторан, тунги клуб, таваккалчиликка асосланган бошқа ўйингоҳлар) жойларга бормаслик қўшимча тақиқлар ўрнатилсин.

Расулев Обиджон Шокировичга жазони ўташ муддати давомида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 6-қисмида назарда тутилган оқибатлар юзага келиши



мумкинлиги тушунтирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Расулев Обиджон Шокировичга нисбатан қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида олиниб, 02.05.2023 йилдаги 04541-сонли қвитанция орқали Ўзбекистон Республикаси ДХХ махсус гуруҳи омборига топширилган 0,63 грамм марихуана гиёҳвандлик ўсимлиги йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида апелляция тартибида Тошкент вилоят судига шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидир, ушбу муддат ўтгандан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилиши тушунтирилади.

Раислик қилувчи: (имзо)  
А.Хонкелдиев

Аслига тўғри:

**Маъсул судья: Хонкелдиев Азиз Уткирович**

